*Сайлов қонунчилигини биласизми?*

# Ўз овозимиз — ўз тақдиримиз

— **Сайлов куни овоз бериш қандай ташкил этилади?**

— Бунинг учун махсус бинолар ажратилади. Уларда яширин овоз беришга етарли миқдорда кабиналар ёки хоналар тайёрланган, сайлов бюллетенларини бериш учун жой ажратилган ва сайлов қутилари қўйилган бўлиши лозим. Қутилар овоз берувчилар уларнинг ёнига яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналаридан ўтиб борадиган қилиб жойлаштирилади. Овоз бериш биносида бошқа бирон-бир сиёсий тадбир ўтказилишига рухсат этилмайди. Бинони жиҳозлаш ва унда зарур тартибни сақлаб туриш масъулияти участка сайлов комиссияси зиммасида бўлади.

Участка сайлов комиссияси сайловга камида ўн кун қолганида овоз бериш вақти ва жойи ҳақида сайловчиларни хабардор қилади. Овоз бериш биноси сайлов куни комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлгандагина очилади. Комиссия раиси комиссия аъзолари кўз ўнгида сайлов қутисини муҳрлаб, сайлов бюллетенлари ва сайловчилар рўйхатларини аъзолар ўртасида тақсимлайди ҳамда сайлов бошланганини эълон қилади. Сайлов бюллетенларининг умумий сони алоҳида ҳужжат билан расмийлаштирилади.

— **Овоз бериш биносига келган сайловчининг шахси қай тариқа аниқланади?**

— У участка сайлов комиссияси аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиб, сайловчилар рўйхатига имзо чекади. Шундан сўнг унга сайлов бюллетени берилади. Исм-шарифи муайян сабабга кўра рўйхатга кирмай қолган сайловчининг фамилияси эса унинг шахсини, фуқаролигини ва турар жойини тасдиқловчи ҳужжатга асосан сайловчилар рўйхати иловасига киритилади.

— **Овоз бериш қачон бошланиб, қачон тугайди?**

— Ушбу жараён сайлов куни соат 6 дан 20 гача давом этади. Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги ваколатхоналари ҳузурида, ҳарбий қисмларда, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, шунингдек, олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда тузилган сайлов участкаларида, агар рўйхатга киритилган барча сайловчи овоз бериб бўлган бўлса, участка сайлов комиссияси исталган вақтда овоз бериш тугаганини эълон қилиши мумкин.

— **Овоз бериш тартиби қанақа?**

— Сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. Бу пайтда унинг олдида бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади.

Мабодо, овоз берувчи бюллетенни мустақил равишда тўлдириш имкониятига эга бўлмаса, ўз хоҳишига кўра, сайлов комиссияси таркибига кирадиган шахслардан, кузатувчилардан ва номзодларнинг ишончли вакилларидан бошқа бирон кишини кабина ёки хонага таклиф қилиб, ёрдам сўрашга ҳақли.

— **Сайлов бюллетени қандай тўлдирилади?**

— "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 35-моддасига биноан, бюллетенга депутатликка номзоднинг фамилияси, ўзининг ва отасининг исми алифбо тартибида киритилган, туғилган йили, партияга мансублиги, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) ҳамда уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳи кўрсатилган бўлади. Сайлов пайти сайловчи ўзи қарши овоз бераётган депутатликка номзодларнинг бюллетендаги фамилиясини ўчиради. Сўнгра тўлдирилган бюллетенни сайлов қутисига ташлайди.

Овоз бериш жараёнида бузиб қўйилган бюллетен сайловчининг илтимосига биноан янгисига алмаштирилиши мумкин. Бузиб қўйилган сайлов бюллетенлари ҳисобга олиниши, бекор қилиниши ва алоҳида сақланиши лозим.

— **Сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи фуқаролик бурчини ўташ учун қандай йўл тутмоғи даркор?**

— У ўз яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини талаб қилиб олиши (бу ҳақда сайловчилар рўйхатига имзо қўяди), муқим бир қарорга келгач, тўлдирилган сайлов варақасини конвертга солиб, уни ёпиқ ҳолда участка сайлов комиссиясида қолдириши мумкин. Сайлов варақасининг шакли, уларни тайёрлаш тартиби ва сайлов участкаларига етказиб бериш муддатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

— **Айрим сайловчилар сайлов куни саломатлиги яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига келолмасалар-чи?**

— Участка сайлов комиссияси уларнинг илтимоси бўйича иш юритади. Комиссия аъзоларига овоз беришни ўша сайловчилар турган жойда ташкил этишни топширади.

— **Сайлов қутиларини очиш ва овозларни санашда нималарга риоя қилиниши шарт?**

— Сайлов қутиларини овоз бериш тугагунга қадар очиш қатъиян тақиқланади. Овоз бериш ниҳоясига етгач эса, қутиларни очишдан олдин, сайлов варақалари солинган ёпиқ конвертлар участка сайлов комиссияси аъзолари ҳозирлигида сайлов қутиларига ташланади. Фойдаланилмаган барча сайлов бюллетенлари комиссия томонидан санаб чиқилиб, бекор қилинади. Қутилар участка сайлов комиссияси раиси овоз бериш тугаганини эълон қилганидан кейин участка сайлов комиссияси томонидан очилади.

Участка сайлов комиссияси участкадаги сайловчиларнинг умумий сонини ва сайлов бюллетени олган фуқаролар сонини аниқлайди. Сўнгра ҳар бир депутатликка номзод учун берилган овозларни алоҳида-алоҳида санаб чиқади. Сайлов қутиларидаги сайлов бюллетенлари ва варақаларига асосан овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг умумий сонини, ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозларни, ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари ва варақалари сонини аниқлайди.

— **Қандай овозлар, сайлов бюллетенлари ва варақалари ҳақиқий эмас ҳисобланади?**

— Сайловчилар томонидан сайлов бюллетенлари ва варақаларига қўшимча тарзда ёзилган фуқароларнинг фамилиялари бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди. Белгиланмаган намунадаги, шунингдек, овоз бериш чоғида биттадан ортиқ депутатликка номзоднинг фамилияси қолдирилган сайлов бюллетенлари ва варақалари ҳақиқий эмас, деб топилади.

Сайлов бюллетени ёки варақасининг ҳақиқийлиги шубҳа туғдирса, бу масала участка сайлов комиссияси томонидан овозга қўйиш орқали ҳал этилади.

— **Овозлар санаб чиқилгандан кейинги жараён қандай кечади?**

— Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссияси мажлисида кўриб чиқилади ва бу ҳақда баённома тўлдирилади. У сайлов комиссияси раиси, раис ўринбосари, котиби ва бошқа аъзолари томонидан имзоланади. Пировардида тегишли округ сайлов комиссиясига белгиланган тартибда тақдим этилади.

**Сайлов қонунчилиги ҳужжатлари асосида "Халқ сўзи" мухбири Абдунаби ҲАЙДАРОВ тайёрлади.**




*—Бугунгиси 150 килодан ошди! Ўғилой, сен қанча пахта тердинг?*

*—180 кило! — дейди у Саломат Нормуродованинг саволига жавобан камтарлик билан.*

*— Бугун сен ҳаммадан ўзибсан-да, — ҳавасини яширолмайди Гўзал Қулмаматова.*

*Дарҳақиқат, бугун Жарқўрғон туманининг "Шуҳрат" фермер хўжалиги пахта далаларида бўлган киши теримчилар бир-бири билан баҳслашиб ишлаётганларининг гувоҳи бўлади.*

*— Мавжуд гектарларга "Оққўрғон — 2" пахта навини эккан эдик, — дейди хўжалик раҳбари Шуҳрат Бекнозов. — Ҳосил кўнгилдагидай бўлди. Насиб этса, биринчи теримнинг ўзидаёқ йиллик режани бажаришни кўзлаб турибмиз.*

**СУРАТДА:** илғор теримчи Ўғилой Йўлдошева.

**И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

## Журналистлар клубида давра суҳбати

Америкалик журналист Жорж Кримиски матбуот соҳасида катта тажриба тўплаган. У 1985 йилда Вашингтонда халқаро журналистлар марказини ташкил қилган. Жаноб Кримиски бугунги кунда 150 дан зиёд мамлакат журналистлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Дунёнинг 40 дан зиёд мамлакатида эса матбуотда воқеликни очиқ-ойдин ёритиш сир-асрорлари бўйича семинар ва тренинглар уюштириб келади. Айни пайтда Ж. Кримиски ОАВнинг халқаро хизмати консалтинг фирмасининг президентидир.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти қошидаги Парламент журналистикаси клубининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Жорж Кримиски клуб қатнашчиларига АҚШда шу йил ноябрь ойида ўтказиладиган президентлик сайловлари ҳақида гапириб берди. Шунингдек, Америка сайлов қонунчилиги, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида ОАВнинг ўрни хусусида тўхталди. Сайловлар жараёнини матбуотда ёритишда тўплаган тажрибаларини ўртоқлашди.

Давра суҳбати шаклида уюштирилган бу тадбирда клуб аъзолари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар.

**Х. ЭШМАНОВ.**

# ХАТЛАР сўзлайди

*Миннатдорлик*

## Беминнат ғамхўрлик

Биз Қўқон шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 5-умумтаълим мактаби жамоаси оталиқ ташкилотимиз — Фарғона вилояти "Қишлоқхўжаликкимё" акционерлик бирлашмаси Қўқон туманлараро филиали жамоасидан мамнун эканимизни изҳор этмоқчимиз. Гап шундаки, ўтган йиллар мобайнида мазкур ташкилот томонидан мактабимизга бир миллион сўмликдан зиёд қурилиш-таъмирлаш жиҳозлари олиб берилди. Ўқув йили давомида ўқувчиларнинг вилоятимиз бўйлаб саёҳат қилишлари учун транспорт хизмати ташкил қилинди. Кам таъминланган оила фарзандларига дарсликлар, байрамларда турли хил совғалар улашиш анъанага айланиб қолган. Янги ўқув йили арафасида эса оталиқ ташкилотимиз компьютер совға қилди. Бундай беминнат ғамхўрликдан биз жуда миннатдормиз.

**Мансур КОМИЛОВ,
5-мактаб раҳбари.**

*Таассуф*

## Арзимизни тингловчи борми?

"Мева шарбат" илмий ишлаб чиқариш корпорациясининг Самарқанд филиалида кейинги йилларда иқтисодий аҳвол издан чиқди. Филиалда ишловчи 800 дан зиёд ишчи-хизматчи қийин аҳволга тушиб қолди. Бунинг айбдори филиалнинг ўша пайтдаги собиқ директори Маҳмуджон Ўроқов эди.

Бу раҳбарнинг ноқонуний ҳаракатларидан хабарим бўлгани боис бир неча жойларга, жумладан, маъмурий органларга шикоятлар йўлладим. Афсуски, 2001 йилдан буён иш отангга бор, онангга бор қабилида қолиб кетаяпти. Корпорациядан келган тафтишчилар мавжуд камчиликлардан кўз юмиб кетишди. Аудиторлик фирмалари хулосалари инобатга олинмади.

Республика Бош прокуратурасига йўллаган шикоятларим вилоят прокуратурасига ва ўз навбатида вилоятдан туман прокуратурасига юборилади. Хулоса эса ҳар хил. Текширишлар қайта-қайта давом этаверади. Давлатнинг катта миқдордаги маблағини ўзлаштирганлар ҳамон ялло қилиб юришибди. Билмадим, бу ҳол қачонгача давом этаркин?

**Ёдгор ҚОСИМОВ.
Самарқанд вилояти.**

*Таажжуб*

## Қарздор киму жабрини тортган ким?

Охунбобоев тумани, Шаҳартепа қишлоғимизга газ келганига кўп бўлгани йўқ. Лекин яқиндан буён уни умуман ўчириб қўйишаяпти. Биз бу "ўчириб-ёқиш"лар сабабини билиш мақсадида туман газ таъминоти идорасига бордик. Уларнинг айтишича, тўловдан қарздор хонадонлар борлиги туфайли газ ўчирилганмиш. Хонадонма-хонадон юриб, тўловни йиғиб беринглар, ёқамиз, дейишди. Бу қанақаси? Тўламаганлар касри бошқаларга ҳам урадими?

**Умарали ТЎХТАСИНОВ ва бошқалар.
Фарғона вилояти.**

## АҚШ элчиси CNH модель хўжалигини бориб кўрди

Бундан уч йил бурун пойтахт вилояти Қуйи Чирчиқ туманида АҚШнинг Case New Holland компанияси, турли донор агентликлар, жумладан, Халқаро ривожланиш агентлиги (USAID) ўзбекистонлик ҳамкорлари билан Case New Holland (CNH) модель хўжалигини ташкил этишганди. Бундан мақсад ерга ишлов бериш, сувдан унумли фойдаланиш, пахта ва дон ҳосилдорлигини оширишда Ғарб тажрибасини республикамизга олиб кириш эди.

Ўтган уч йил давомида хўжаликда пахта ҳосилдорлиги 60 фоизга, ғалла ҳосилдорлиги 80 фоизга кўпайди. Сув истеъмоли эса 50 фоизга камайди. Ҳисоб-китобларга қараганда, ҳозиргача ушбу лойиҳа учун бир миллион доллардан кўпроқ маблағ сарфланди.

Кеча АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Пурнелл ушбу хўжаликда бўлди. У бу ерда америкалик фермерлар олиб бораётган ишлар билан танишди. Далага чиқиб, пахта майдонларини, сув исрофгарчилигининг олдини оладиган мосламаларни, хўжалик трактор паркида эса яқинда Америкадан келтирилган янги русумдаги тракторларни кўздан кечирди.

Таъкидлаш лозимки, CNH Ўзбекистон агросаноат тизимига энг кўп сармоя киритган Америка компанияси ҳисобланади. CNH билан ҳамкорликда мамлакатимизда тўртта қўшма корхона ташкил этилган. Ҳозирги кунда уларда 400 нафардан кўпроқ ишчилар меҳнат қилишмоқда.

**Б. ЭГАМҚУЛОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.**

# «БИЗ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСМИЗ,



***...Таймазов ютди. Орзиқиб кутилган олтинни ютди. Катта майдондан Ўзбекистоннинг ҳақини олиб чиқди. Терга ботиб, бутун бадани, кийимлари шалаббо бўлиб келиб, мени қучди. Бир-биримизни қучоқлаб, бағирларимизга сингиб, кўтариб ётибмиз. Кейин делегация аъзоларидан бири ўзбекона хижолат бўлиб, «Кийимларингиздан тер ҳиди келяпти, тозалаттириб берайлик», дейди. «Э-э, қўйсанг-чи, — дейман, — мен буни ўнта француз духисидан ортиқ кўраман, ука!»***

***Чунки бу тер – чемпионнинг тинимсиз меҳнати ва машаққати натижаси, ор-номус ва чинакам ғурур учун кураш тери эди. Чунки бу тер — ўзбек деҳқонининг пешона теридай азиз эди, бу ҳид — ғалабанинг ҳиди, ғолибликнинг нашидаси эди.***

Афинада ўтган XXVIII Ёзги Олимпия ўйинларида ҳар бир оддий спортчи йигит-қизнинг ютуғи мамлакат ва миллатни осмонларга кўтаришига мисолларни кўп кўрдик.

Кузатиб турсак, афиналиклар ва турли эллардан келган томошабинлар аввалига аксарият катта, номдор давлатларнинг командалари ортидан эргашиб, уларнинг рамзлари, значокларини қўлга киритишга ҳаракат қилишди. Тўққиз ўзбек боксчисидан етти нафари чорак финалга чиққач эса илгари бизга эътиборсиз юрган одамлар Ўзбекистон командасининг значокларини қидира бошладилар.

Мезбонлар меҳмонхоналарда дастлаб жаҳоннинг тараққий этган мамлакатлари делегацияларига мулозаматни қуюқ қилган бўлсалар, кейинчалик бу муносабат ҳам ўзгарди — Ўзбекистонни мулозамат кўрсатилиши керак бўлган давлат делегациялари қаторига киритишди. Бу ҳол, беихтиёр, кийимга қараб кутиб олишади, ақлга қараб кузатишади, деган мақолни эслатарди.

Тўлашбой Дониёров америкалик машҳур боксчини 25 очко фарқ билан ютганда эса, ҳамма «Ўзбекистон» деган ёзувли майка кийганларни кўргач, тўхтаб олиб, «Uzbek boksing veri gud!» деб ҳайқиришга тушди.

Ёдингизда бўлса, Ўткирбек Ҳайдаров ярим финалда бошқа бир америкаликдан яққол устун келса-да, рақибининг қўли кўтарилди. Бироқ, мусобақа залида ўтирганларнинг бари Ўткирбекни ғолиб деб тан олди. Бутун зал гулдурос қарсаклар билан «Узбекистан! Узбекистан!» дея олқишлади. «Ғолиб» рақибни бўлса «Ху-у-у-в» деган норозилик овози билан кузатиб қолдилар. Кўча-кўйда Ўткирбекни тўхтатиб, автограф олишга шошилган қанча...

Акропол — афсонавий тепалик. Дастлабки кунлари унинг тепасидан «Худо грекларга шундай жой бериб қўйибди», деб ҳавас билан қарадиқ. Шунда Баҳодир: «Греция ёмон эмас экан-у, барибир Ўзбекистонга келмайди-да» деганида ҳамма шодон кулиб юборди. Ҳамманинг тасаввурида Ватан манзаралари жонланиб кетди. Кейинги сафар — юксак ғалабаларни қўлга киритиб Акрополга чиққанимизда эса, энди Ўзбекистон деган юрт бутун оламни қучишга чоғи келадигандек туйғу ўтди кўнгилдан... Зеро, Афинада ҳилпираган байроқлар ичида энг катта байроқ ҳам нисбатан кам сонли команда — Ўзбекистонники эди! Зеро, 202 мамлакат ичида 34-ўринни эгаллагандик. Дунёнинг манаман деган не-не давлатлари биздан ўта олмай, доғда қолганди. Ҳамма «Ўзбекистон» деган ёзувли кийимни кийиб юрган юртдошларимизга азиз кишиларни кўргандек ҳавас билан қарарди...

Йигитларимиз ярим финалга чиққанларида ўзбекона одатимизга биноан уларга бош-оёқ сарпо қилмоқчи бўлдик. Афина дўконларидан кийим танлашаётганда Баҳодир Султонов билан Артур Таймазовни кўриб, дўкондорлар: «Чемпионларнинг биздан кийим олиши биз учун улкан шараф», дея сарпони бепул ҳадя қилдилар...

Телевизордан кўрган бўлсангиз, бизнинг бирор спортчимиз руҳида, кўзида қўрқув, ҳадиксираш кўринмади, аксинча, ўзига ишонч, қатъият балқиб турди. Афсуски, ҳакамлар ишида анчамунча ғирромликлар бўлди. Бизнинг йигитлар адолатсизликдан эмас, балки Ватан уларга билдирган ишончни оқлай олмай қолишдан кўпроқ қийналишди. Уларнинг кўпчилиги «Судья қандай бўлмасин, мен янаям кўпроқ ҳаракат қилишим керак эди. Рақиб билан тенг эмас, ундан зўрлигимни, бир бош устунлигимни исботлашим керак эди. Барибир буни кейинги олимпиадада кўрсатаман», дейишди. Бировни ёмонламади. Ўзбек-да..

Қўшни республикалар делегацияларини кузатамиз. Омадлари келмаяпти, лекин ғалати хотиржам. «Биз ҳукуматга шунча йиллардан бери Худонинг зорини қилдик, ёрдам беринг, деб. Эшитишни ҳам хоҳлашмади. Ана энди натижани кўришсин. Қуп-қуруқ борсак, балки тушунишар, спортга муносабатлари ўзгарар. Бизга ҳам Ўзбекистондагидек эътибор бўлса, ҳарқалай, бунчалик аҳволга тушмасдик...» дейди афсусланиб.

Лекин гап фақат моддий-маиший эътибордами? Агар шундай десак, Интернет саҳифаларида мақола эълон қилган қозоқ журналисти С.Темиргалиевнинг қуйидаги сўзларини қандай изоҳлаймиз:

«Қозоғистон спорти учун энг чиқими кўп ҳисобланган Олимпиада мусобақалари энг муваффақиятсизи ҳам бўлди. Команда ҳисобида — 40-ўрин. Олимпия ўйинлари тарихида биринчи маротаба қозоғистонликларни қўшнилар — Ўзбекистон ва Грузия спортчилари доғда қолдиришди... Ҳолбуки, Қозоғистон 119 та спортчи билан қатнашганди...

Мутахассислар фикрига кўра, охирги уч йилда Туризм ва спорт агентлиги орқали Қозоғистонда спортни молиялаштириш бир ярим миллиарддан уч миллиард долларга етган...

Ўзбекистон спортчиларининг биринчи маротаба Олимпиа ўйинларида қозоғистонликларни ортда қолдирганлари мутлақо тасодиф эмас. Бу — қонуний жараён. 2001-2003 йиллар давомида олимпиа спорт турлари бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатларида қўлга киритган медаллари билан ўзбекистонликлар биздан мунтазам олдинда бўлишди... Улар бизга қандай ишлаш кераклигини кўрсатиб қўйишди».

Агар гап фақат пулда, моддиятда бўлганида, дунёнинг энг пулдор, бой мамлакатларидан ҳисобланган Дания, Швейцария, Миср, Индонезия, Бельгия, Исроил, Португалия, Финляндия сингари ўнлаб давлатлар спортчилари биздан ўтиб кетмасмиди? Демак, бунинг сирини бошқа бир омил — ҳеч қандай моддий бойлик билан ўлчанмайдиган маънавий қадриятлар кучидан излаш керак экан-да. Шу ўринда Юртбошимизнинг Олимпиада ғолибларини қутлаб айтган қуйидаги сўзлари ёдга келади:

**«Бугун Олимпиада майдонларида Ўзбекистон байроғи остида мардона курашган ва баланд шоҳсупаларга кўтарилган фарзандларимиз ҳақида гапирар эканмиз, улар эришган юксак марраларнинг пойдевори ва сабаблари, қисқа қилиб айтганда, бу ғалабанинг замини қаерда, деган савол пайдо бўлиши табиий.**

**Бунинг замини — аввало, халқимизнинг табиатида, салоҳияти ва буюк имкониятларида, деб ўйлайман.**

**Бунинг пойдевори — отабоболаримиздан мерос бўлиб келаётган, миллатимизга мансуб бўлган куч-қудрат ва азму шижоатда».**

Бу сўзлардан руҳланган Ўткирбек Ҳайдаровнинг ўша учрашувда Юртбошимизга айтган мана бу гапларига ҳам эътибор берайлик:

«Дастлабки йиллари мусобақаларга борсак, кўпчилик давлатлар боксчилари бизга менсимай, тепадан қарашарди. Унча-мунча ютуқларимизниям тасодиф деб ўйлашарди.

Сизнинг «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз» деган зўр бир гапингиз бор. Мана шу гапингизнинг исботини мен ҳозир яққол кўряпман. Жаҳон биринчилиги бўладими, халқаро турнирлар бўладими, мана яқинда якунланган Олимпиада бўладими, қайси бир мусобақада қатнашмайлик, энди бизга бошқача қарайдиган бўлишган. Аввал менсимаган командалар Ўзбекистон вакили билан тушишини эшитса, энг кучлилариниям кўзида, хоҳлайдими-йўқми, қўрқув пайдо бўлади. Тўғрисиям шу-да. Америкалик, кубалик, россиялик, қозоғистонлик боксчилар аввал «Ўзбекни осонгина енгаман», деб ўйлаб рингга чиқишарди. Ҳозир-чи? Буни телевизордан ҳам сезса бўлади. Бизнинг командадаги болаларнинг номини эшитибоқ, рақибларимиз кўзида беихтиёр қўрқув, хавотир кўринади.

Нима демоқчиман?

Менимча, мустақиллик йиллари биз эришган энг катта ғалаба шу! Энди дунёнинг энг билаги зўр полвонлари ҳам биз билан ҳисоблашишга мажбур бўляпти! Ўзбекнинг, ўзбекистонликнинг ҳеч кимдан кам эмаслигини тан оляпти. Сизнинг эътиборингиздан куч олган биз — спортчиларнинг эришган энг улкан ютуғимиз мана шу!»

Президент Олимпиадага отланган спортчиларимизга қилган мурожаатини шундай якунлаган эди:

«Бугун сизларни масъулиятли сафарга кузатар эканмиз, ҳаммангизни Ватанга, оилангиз бағрига соғ-саломат, ёруғ юз билан қайтишингизни тилаб қоламан».

Оталарча самимият билан айтилган бу тилак бутун мусобақа кунлари йигит-қизларимиз руҳига мадад бўлиб турди.

Қайси спорт тури бўлмасин, бизникилар майдонга чиқишганида бошқа спортчиларимиз шундай ишқибозлик кўрсатишдики, 2-3 кун овозимиз хириллаб юрди. Судья яққол ғолиб бўлган Шерзод Ҳусановнинг эмас, рақибининг қўлини кўтарганида адолатсизликка чидай олмаган бошқа давлат вакиллари ҳам «Судьяларни тартибга солиш керак» деб қичқирардилар. Шунда Тўлашбой Дониёров айтган гап ҳеч ёдимдан чиқмаса керак: «Ака, кўрасиз, мен эртага Шерзод акам учун, уларни онасини Учқўрғондан кўрсатиб, ўч оламан. Минг ғирромлик қилишсаям ютаман, мана кўрасиз!»

Ўғил бола — айтганини қилди. Эртасига америкалик боксчини Олимпиадада бирорта боксчи эриша олмаган фарқ — 25 очко фарқ билан ютди!

Албатта, кураш мағлубиятсиз бўлмайди — қатор спорт турларида енгилганларимиз ҳам бўлди. Бироқ, команда уларнинг бирортасининг кўнгли ўксишига йўл қўймади, аксинча, бир-бирларини бағирларига босиб, кўнглини кўтариб, далда бериб туришди.

Олимпиадада кўплаб волонтерлар турли давлат командалари хизматида бўлишади. Улар учун алоҳида кийим тайинланган. Бирор мамлакат спортчиларига очиқ ишқибозлик қилишлари мумкин эмас. Буни қарангки, шу — ишқибозлик масаласида «муздай бўлиб туриши» та-

